**Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни товар,жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича**
**№ 47744-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил «_11_» Октябр Кукон шахар

Икки томонлама хўжалик муносабатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи "Омад ок кунгил" О/К (кейинги ўринларда «Сотувчи» деб аталади) номидан раҳбари А. Солиев биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи 5- Болалар мусика ва саънат мактаби номидан (келгусида «Харидор» деб аталади) раҳбари Г. Мирхамзаева ўрталарида куйидаги максадларда тузилди.

**1.Шартнома предмети**

1.1.«Сотувчи» «Харидор»га куйидаги товарларни етказиб беради:

1.2.Мазкур шартноманинг умумий киймати **14364000** сўм. **Ун турт миллион уч юз олтмиш турт минг** сум
*(рақам ва сўз билан тўлиқ ёзилади)* сўмни ташкил килади.

1.3. Товарлар 2022 йил Октябр ойига куйидаги ассортиментда етказиб берилади

| Товар номи ва тури | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нарҳи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|
| Парда | Метр | 210 | 68400 | 14364000 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| Жами | | | | 14364000 |

Сумма суз билан : **Ун турт миллион уч юз олтмиш турт минг**

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда ассортимент бўйича олинаетган товар турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эхтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиккан ҳолда алохида спецификация холатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбуни натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган холатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

**2. Ҳисоб-китоб шартлари.**

2.1 Олинган товар,жиҳозлар ва моддий товар бойликлар учун хисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб килинади.

2.2 «Харидор» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тулик хисоб-китобни 60 кун ичида «Сотувчи» товарни етказиб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, етказиб берилган товар киймати учун пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан хар ойда амалга оширилиб борилади.

2.3 Товарлар учун нарҳ махсулот етказиб беришга даъвогар корхоналарнинг тижорат таклифларидан келиб чиққан холда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган товар,жиҳозлар ва моддий товар бойликларга белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Сотиб олувчи» зиммасидан копланади.

**3. Товар етказиб бериш:**

3.1«Сотувчи» шартномада белгиланган товарларни келишилган таксимотномага асосан бюджетдан маблағ олувчи муассаса манзилгоҳларига белгиланган муддатларда яъни 30 кунда етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар хуқуқи ва мажбуриятлари:**

4.1 «Сотувчи» товарни сифатини тасдикловчи хужжат (мувофиклик сертификати ва санитария-гигиена сертификати ва хоказолар) ҳамда товардан намуна тақдим этади ва айнан шу намунадаги товарни жойларга етказиб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

4.2 «Сотувчи» «Харидор» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалок мухр босилган ишонч коғози кўрсатган вакилга товар беради. Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч коғозида курсатилмаган товарларни ёки товарларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортик берган холларда бу товарлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди. Шунингдек, «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки сертификатсиз махсулотлар етказиб берилса бу товарлар «Сотувчи»га кайтариб берилади ёки бу товарлар учун хак тўланмайди. Ушбу ҳолатлар тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

4.3 «Сотувчи» етказиб бераетган товарларини ҳисоб-варакларда тўлик ва аник номини, навини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варакларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда товарнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.4. «Харидор» «Сотувчи» томонидан юборилган товарни шартнома шартлари ва спецификацияга тўғри келишини текшириб қабул қилиб олгандан сўнг олинган товар учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

## 5. Жарималар қўланилиш

5.1 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га сифатсиз ёки саклаш муддатлари ўтиб кетган товарларни етказиб келган ҳолда «Харидор» «Сотувчи»дан бундай товарларнинг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

5.2 Агар «Сотувчи» томонидан «Харидор»га белгиланган товарлар белгиланган муддатларида етказиб келмаса, «Сотувчи» муддатида етказилмаган товарларни умумий кийматини 0.02% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.

5.3 Қабул қилинган махсулот учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган товар қийматидан "Харидор" томонидан 0.02 % микдорида "Сотувчи" га пеня тўланади.

5.4 Жарималар тўланиши «Сотувчи»ни ва «Харидор»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6.<Форс-мажор>

6.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини,енгин,зилзила,бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

7.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 Декабргача .Маълум сабабларга кўра олинган махсулот учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.

7.3 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор килиниши мумкин:

а) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Сотувчи» томонидан етказиб берилган товарни сифатсизлиги тўғрисида «Харидор» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Сотувчи» томонидан мазкур шартноманинг 4.1 , 4.2, 4.3 бандлари бажарилмаганда;

г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани холда «Сотувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;

д)нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши еки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;

Изоҳ: б,в,г,д пунктлари бўйича шартномалар «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Харидор» «Сотувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади

## 8 Кўшимча шартлар

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Хўжалик судлари оркали хал килинади.

8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

8.3 Шартнома спецификацияси келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиеждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиқланади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.

8.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиклангандан сўнг амалга киритилади.

8.5 «Таъминотчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома,сертификат «Истеъмолчи»га тақдим этади.

8.6 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни хаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этаетган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

## 9. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

| «Таъминотчи» | «Истеъмолчи» |
|---|---|
| OMAD OQ KO'NGIL O/K | Кукон шахар 5-Болалар мусика ва саънат мактаби |
| (мол етказиб берувчининг номи) | (бюджетдан маблағ олувчининг номи) |
| Адрес: Кукон шахар Чорбог кучаси 9/12-уй | Манзил: Кукон шахарА. Темур 30 уй |
| Тел.: +998905885250 | Тел./факс ____________ |
| Факс: +998996045250 | ш/х* 4006228603040570966000560001 |
| ИНН: 309575060 | бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 206986472 |
| | ОКОНХ____________ |
| ОКЭД | Ғазначилик бўлинмаси номи Молия Вазирлиги Газначилиги |
| Р/С: 20208000305529339001 | Ғазна х/в 23402000300100001010 |
| Банк: КУКОН Ш., "КАПИТАЛБАНК" АТ БАНКИНИНГ КУКОН ФИЛИАЛИ | Банкнинг номи Тошкент шахар Марказий банк ХККМ |
| | МФО 00014 |
| | ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919 |
| Рахбар____________ А. Солиев (Ф.И.Ш) | Рахбар ____________ Г. Мирхамдаева (лавозим) (Ф.И.Ш) |

Юрист: ____________

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қўқон шаҳар 5-болалар мусика ва санъат мактаби Г. Мирхамзаева

“11” Октябр 2022 йил

Фаргона вилояти Кукон шахар 5-Болалар мусика ва саънат мактабида танлов ўтказиш бўйича ҳайъат йиғилиш баёни № 9

Кукон шахар “11” Октябр 2022 йил

2022 йил бюджетдан ташкари маблағни мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш хамда Вазирлар Махкамасининг қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактабига парда етказиб бериш учун, тижорат таклифи билан қатнашган корхоналар танловини ўтказиш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиши.

Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактаби рахбари олиб борди.

ТАРТИБИ:

Кун тартибида кўрилган масала 2021-йил 22 апрелдаги УРК-684-сонли карорига асосан бирлашмада ички танлов усули билан пудратчи ташкилотларни аниклаш оркали ташкилотга зарур булган парда етказиб бериш кераклигини айтиб утди.

2022 йил Бюджетдан ташкари маблағни мақсадли ва оқилона ишлатилишини таъминлаш мақсадида, тижорат таклифи билан қатнашган юридик субъектларини ўрганиб чиқиб, **"KOKAND NOTA PRINT" МЧЖ** ва “Омад ок кунгил” О/К томонидан парда етказиб бериш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқишга келишилди. Ушбу йиғилишда иштирок этаётган оилавий корхона ва МЧЖларни ички танлов асосида энг сифатли ва коникарли товарни танлаб олиш кераклигини таъкидлади.

Юкоридаги масала юзасидан Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактаби касаба уюшма раиси И. Кодиров суз олиб мазкур буюртма 2 банк иш куни мухокама даврида туриб хеч кандай эътирозлар булмади. Даъвогарлардан такдим этилган таклифларда олиниши керак булган хизмат сифати ва кафолати борлиги хамда шу сохада тажрибага эга эканлигига асосланиб куйидаги “Омад ок кунгил” О/К билан шартнома тузиш таклифини билдирди.

Танлов аъзолари бир овоздан юкоридаги “Омад ок кунгил” О/К билан шартнома тузишни лозим топди.

Юкоридагиларга асосланиб йигилиш карор килди:

Хулоса: Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактабига парда етказиб бериш юзасидан “Омад ок кунгил” О/К голиб деб топилсин.

Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактабига парда етказиб бериш уз вактида етиб келишини назорат килиш Хужалик ишлари буйича мудир И. Рузматов зиммасига юклатилсин.

Қўқон шахар 5-болалар мусика ва санъат мактабига парда етказиб бериш юзасидан керакли хужжатларни тайёрлаш бош хисобчи М. Мамаризаевага юклатилсин.

Қатнашдилар:

5-БМСМ директор уринбосари О. Мелибоева

Аъзолари:
Хужалик ишлари буйича мудир: И. Рузматов

Касаба уюшма раиси: И. Кодиров

Бош хисобчи: М. Мамаризаева

Котиб: О. Турсунов